

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**1**

---

**2021**

**Тошкент**

---

**МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР  
ФИНАНСЫ И НАЛОГИ**

Дустов Ф.И.	Венчур молиялаштиришнинг халқаро тажрибаси: АҚШда венчур молиялаштиришнинг институционал жиҳатлари.....	131
Мусалимов Ш.И.	Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулккини солиққа солишда илғор хориж тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	136
Урманбекова И.Ф.	Корхоналар молиявий ресурслари, уларнинг зарурияти ва шакллантириш асослари.....	142

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
СФЕРА УСЛУГ**

Джураева Д.Д.	Хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишнинг методологик масалалари.....	148
Исмаилова Н.С., Исаев Қ.А., Ҳамидов И.И. Саггаров Ш.Х.	Ўзбекистон транспорт коридорлари кенгайтириши доирасида бир макон бир йўл лойиҳаси амалга оширишнинг замонавий тенденциялари.....	156
	Хизмат кўрсатиш корхоналарида харажатларини камайтириш ва ундан олинган фойдани кўпайтириш асосида самарадорликни ошириш.....	171

**ТАЪЛИМ  
ОБРАЗОВАНИЕ**

Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим ташкилотини бошқаришда ташкилий-ҳуқуқий усулларнинг аҳамияти.....	175
Ҳакимов Н.Х., Абдумаликов А.А. Ҳакимов Ғ.Қ.	Совместные международные образовательные программы как важная форма подготовки высококвалифицированных кадров в Узбекистане.....	181
	Олий таълим муассасаси таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.....	187
Сафаров О.А.	Таълим тизими бошқарувида стратегик менежмент механизмлари ва бошқарув моделларининг ўрни.....	190

**ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ  
ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА**

Юсупов Р.А.	Камбағалликнинг мазмуни, сабаблари ва асосий кўрсаткичлари.....	197
Базарова Г.Г.	Худудий меҳнат бозорини ривожлантиришнинг кластер шаклини яратиш.....	201
Абдураманов Х.Х.	Хорижий мамлакатларнинг эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатларини олдини олиш борасидаги тажрибалари.....	207

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ  
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА**

Ғаффаров У.У.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш ва инвестицион муҳит самарадорлигини ошириш.....	213
---------------	--	-----

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ  
ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЯ**

Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлар бўйича рейтинг натижасининг қиёсий таҳлили.....	217
-----------------	--	-----

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

Топилдиев С.Р.	Мамлакатимизда аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	221
Амиров Л.Ф.	Аграр секторни барқарор ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....	224
Маматкулов Б.Х.	Фермер хўжаликларидан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш - камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишларидан биридир.....	232
Кушаров З.К.	Турли хўжалик юритиш шаклларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.....	238
Мирзаев С.А.	Қишлоқ хўжалиги тизимида техник хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	241
Мирзаев А.Қ.	Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлиги.....	244

**РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ  
РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ**

2021 йил 1-сон	Мамаджанов А.А.	Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш.....	248
	Мўминов Х.И., Абдуллаева Ҳ.	Пандемиянинг Ўзбекистон туризми ривожланишига таъсири.....	253

миллаштириб, кенгайтириб ва ривожлантириб борилиши талаб этилади. Асосий тушунчалар, таърифлар ва ҳисоб-китоблар ҳам хорижий давлатлар тажрибалари билан қиёслаб ўрганиб чиқилади ва такомиллаштирилади. Шунингдек, маълумотлар манбалари доимий равишда яхшиланади ва таснифлар вақти-вақти билан янги пайдо бўлаётган тармоқлар ҳамда хизматларга мослаштириб борилади.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз статистика амалиётида шакллантирилиб келинаётган туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини нуфузли халқаро ташкилотлар тавсиялари ва Канада статистикаси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

туризм статистикаси кўрсаткичлари қамрови ва сифатини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мувофиқлигини таъминлаш боради тизимли тадқиқотлар олиб бориш;

мамлакатимизда туризм статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш методологияси ва амалиётини ТҲҲ бўйича халқаро тавсияларга мувофиқ такомиллаштириб бориш;

миллий статистика амалиётида ТҲҲнинг маълумотлар манбаларини такомиллаштириш юзасидан тегишли кузатув шакллари ва анкеталарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, зарурий ҳолларда махсус кузатувлар ўтказиш бўйича Канада тажрибасини амалиётга жорий этиш;

ТҲҲдаги товарлар ва хизматлар рўйхатини инвентаризация қилиш ва Канада тажрибаси асосида миллий ҳисоблар тизимининг “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларига мувофиқлигини таъминлаш;

худудлар кесимида туризм статистикасини шакллантириш бўйича Канада тажрибасини чуқур ўрганиш ва миллий статистика амалиётига жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

туризм тармоқларида норасмий ва яширин ҳолда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини статистик баҳолаш орқали макроиқтисодий кўрсаткичлар қамрови ва сифатини такомиллаштириш.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги 549-сонли “Туризм тўғрисидаги” Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 41-сонли Қарори билан тасдиқланган “Туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича услубий низом”, ([www. https://lib.stat.uz](https://lib.stat.uz)).
3. UNWTO World Tourism Barometer // Volume 15, Advance Release January 2017 [http://ec.europa.eu/eurostat/cache/metadata/en/tour\\_occ\\_esms.htm](http://ec.europa.eu/eurostat/cache/metadata/en/tour_occ_esms.htm).
4. Вспомогательный счет туризма: рекомендуемая методологическая основа, 2008 год (Люксембург, Мадрид, Нью-Йорк, Париж, 2010, ([www. https://unstats.un.org](https://unstats.un.org))).
5. Methodological manual for tourism statistics (Version 3.1) (Luxembourg: Publications Office of the European Union, 201, 2014, ([www. https://ec.europa.eu/eurostat](https://ec.europa.eu/eurostat))).
6. Canadian Tourism Satellite Account Handbook (Ottawa December 2007).
7. “The Provincial and Territorial Tourism Satellite Accounts for Canada, 1996”, National Income and Expenditure Accounts (technical series April 2002).
8. A Feasibility study for compiling a Tourism satellite account for the UK (London, 1998).

## ПАНДЕМИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

**Мўминов Холмурод Исроилович -  
Бухоро давлат университети иқтисодиёт  
кафедраси доценти, и.ф.н., мустақил тадқиқотчи  
Абдуллаева Ҳилола Нутфуллоевна -  
Бухоро давлат университети магистратура талабаси**

**Аннотация:** Мақола Ўзбекистон худудида коронавирус пандемиясининг ҳолатига, пандемия шароитида иқтисодий ўсишни моделлаш ва прогнозлаш масалаларига бағишланган. Вақтли қаторлар ҳамда омили моделлар асосида коронавирус пандемияси қўламининг ўзгариши ва унинг иқтисодиётга таъсири ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси туризмидаги талаб миқдорининг йиллар бўйича ўзгаришининг модели ва хорижий туристлар сонига пандемия таъсири кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий ўсиш, коронавирус пандемияси, туризмдаги талаб, модел, корреляция, вақтли қаторлар, регрессион таҳлил, детерминация коэффиценти, савдо ҳажми, хизматлар ҳажми.

**Аннотация:** Статья посвящена состоянию пандемии коронавируса в Узбекистане, моделированию и прогнозированию экономического роста в условиях пандемии. Изменение масштабов пандемии коронавируса и ее влияние на экономику изучались на основе временных рядов и факторных моделей. Показаны модель изменения спроса на туризм в Республике Узбекистан по годам и влияние пандемии на количество иностранных туристов.

**Ключевые слова:** экономический рост, пандемия коронавируса, модель, корреляция, регрессионный анализ, временные ряды, регрессионный анализ, объем розничной торговли, объем услуг.

**Abstract:** The article is devoted to the situation of the coronavirus pandemic in Uzbekistan, modeling and forecasting economic growth in a period pandemic. The changes in the scale of the coronavirus pandemic and its impact to the economy were studied on basis of the time series and factor models. The model of change in the demand for tourism in the Republic of Uzbekistan over the years and the impact of the pandemic to the number of foreign tourists were shown.

**Keywords:** economic growth, coronavirus pandemic, model, correlation, regression analysis, time series, regression analysis, retail volume, services volume.

**Киритиш.** Ўзбекистонга касалликнинг киниб келиш хавфи юзага келган илк даврлардан бошлаб, мамлакат ҳукумати томонидан аҳолини касалликдан ҳимоялаш ва камбағал қатламни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлари пандемия таъсирининг камайиши ҳамда аҳоли иқтисодий камбағаллашувини олдини олишга шароит яратди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сонли фармони ва 2020 йилнинг 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли қарори туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган туроператорлар ва турагентлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мамлакатда ички туризмни жонлантириш, жойлаштириш воситаларини сақлаш ва шарт-шароитларини яхшилаб боришга ижобий таъсир қилди [1,2].

Пандемия Ўзбекистон иқтисодиёти кўп-лаб тармоқлари, айниқса, хизмат кўрсатиш ва бу тармоқнинг таркибидаги туризм соҳаси ривожланишида катта тўсиқ қўйди. Туризмнинг ижобий таъсирларини ҳисобга олиб, мамлакатимизда туризмнинг янада тараққий қилишига, соҳанинг миллий иқтисодиётда эгаллаган даражасини оширишга ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда.

Сўнгги йиллар Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида қонунчилик базасини, транспорт, меҳмонхона, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш, кўнгил очар масканлар, тарихий обидалар ва маданий меърос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, виза олиш тартибини соддалаштириш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик инфратузилмаси объектларини барпо этиш ишлари жадал бормоқда. Туризм соҳасидаги ислохотлар нақадар самарали бўлмасин, коронавирус пандемиясининг салбий таъсири туризм соҳаси тараққиётига юқори даражада ўз ифодасини кўрсатди.

Туризм соҳасини ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш, соҳа ривожига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таъ-

сир даражасини таҳлил қилиш ҳамда соҳанинг яқин келажакда ривожланишини прогноزلаш долзарб масала бўлиб, ишда пандемия даражаси, пандемия ҳолатида мамлакатда иқтисодий ўсиш ва туризмни ривожлантириш масалалари, иқтисодий ўсиш ҳамда туризм ривожланишининг модели ва бу асосидаги прогнози ишлаб чиқилган.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Иқтисодий жараёнларни, хусусан, туризм соҳасида талабни моделлаш ва прогноزلанишнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўп-лаб хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, Аллен Л.Вебстер [3], Ж.Р. Амаикуима, Л.И. Амакуима[4], Барбара Илловский, Ди Анза Коллиг[5], Т. Чорн, Ч. Чаинбунсри[6], Ч. Чаинбунсри, Прасерт Чаитип [7], Дамодар Н. Гужарати[8], Франсиз Х. Диеболд [9], Г. Каплан, Г.Л. Виоланте[10], Петревска Биржана[11] кабилар томонидан ўрганилган. Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан: И.А. Башмаков [12], И.И. Елисеева[13], И.А. Киселева [14], В.А. Май[15], З.М. Мамаева[16], М.А. Морозов, Н.С. Морозова [17] илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаш ва прогноزلаш масалалари Р.Х. Алимов [18], Б. Ҳодиев, Т.Шодиев, Б.Беркинов [19] ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада статистик гуруҳлаш, эконометрик моделлаш, индукция ва дедукция, мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси иқтисодий ўсиш ва туризм соҳасининг ривожланишига оид республикада ишлаб чиқилган умумий стратегия, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг коронавирус пандемияси авж олишини олдини олиш, пандемия шароитида иқтисодий ўсиш ва туризмнинг ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қабул қилган фармонлари ҳамда илмий-методологик адабиётлар бўлиб ҳисобланади.

Ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди. Мамлакатда коронавирус пандемиясининг ҳолати ва авж олиш жараёни вақтли қаторлар ҳамда омилли таҳлил асосида ўрганилди. Мамлакатда иқтисодий ўсиш ва туристлар ташрифининг модели ҳамда коронавирус пандемиясидан сўнг прогноزلаш

масалалари Microsoft Excel 2013 дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон аҳолисининг даромадларининг пасайиши, турмуш даражасининг салбий томонга ўзгариши коронавирус эпидемиясини ўрганиш, унинг даражасини таҳлил қилиш муҳим бўлиб, 2020 йилнинг 15 мартдан 30 октябригача бўлган муддатда коронавирус касаллиги аниқланган беморлар

сони 66 705 нафарни ташкил қилиб, ушбу ўтган 230 кун давомида бир сутка давомида ўртача касалланаётганлар сони 267 кишини ташкил қилмоқда. Шунингдек, ушбу муддатда касалланганлар сонини Microsoft Excel дастури асосида тренд тенгламасини ишлаб чиқиб, касалланиш ҳолати детерминация коэффиценти  $R^2=0,83$  бўлган ҳолатда, қуйидаги моделга мослиги аниқланди:

$$K_t = 129,25 - 79,58 t + 13,52 t^2 - 0,43 t^3 \quad (1);$$

Бу ерда:  $K_t$  – модел асосида ўн кун оралиғида касалланган беморлар сони, киши ҳисобида;

$t$  – вақт оралиғи, ўн кун бир бирлик сифатида қабул қилинади.

Худудлар бўйича коронавирусга чалинган беморлар сони турлича бўлиб, бу фарқланишнинг сабабларини аниқлаш бўйича худудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакат худудлари бўйича коронавирус билан касалланганлар сони ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

Худудлар	Корона-вирусга чалинганлар, 30.10.2020 йил ҳолатида, киши	Аҳоли зичлиги, 01.01.2020 ҳолатида, киши/кв.км	Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм	Ялпи ҳудудий маҳсулот, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, млрд сўм	Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм	Аҳоли жон бошига даромад, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм	Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм	Аҳоли жон бошига кўрсатилган нақана савдо, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм
Қорақалпоғистон Республикаси	752	11,4	3010,4	18735,7	9944,1	3390,5	3010,4	3028,4
Андижон вилояти	1892	727,4	3165,3	32897,2	10621,6	4108,7	3165,3	4101,7
Бухоро вилояти	1310	47,7	4406,3	26695,0	13980,1	5641,3	4406,3	5399,2
Жиззах вилояти	597	65,2	3148,8	15211,9	11126,3	3906,4	3148,8	4302,9
Қашқадарё вилояти	1400	114,7	2710,7	36470,1	11233,3	3768,3	2710,7	3277,0
Навоий вилояти	619	9,0	5115,9	36685,2	37119,5	7431,4	5115,9	6856,2
Наманган вилояти	2400	379,8	2785,0	23239,0	8353,6	3454,4	2785,0	3581,1
Самарқанд вилояти	2333	230,8	3331,5	37593,9	9793,9	3982,1	3331,5	3615,7
Сирдарё вилояти	1113	196,8	3253,6	10477,7	12500,3	4022,5	3253,6	3427,5
Сурхондарё вилояти	932	130,8	2685,8	22349,3	8597,2	3959,7	2685,8	4253,0
Фарғона вилояти	590	551,8	3142,9	32943,3	8861,5	3506,7	3142,9	3697,0
Хоразм вилояти	700	306,0	3113,5	19136,5	10337,4	4563,3	3113,5	3735,9
Тошкент вилояти	13105	192,3	4988,8	50117,8	17164,2	4904,6	4988,8	5965,3
Тошкент шаҳри	38962	8572,3	25881,1	74527,6	29331,2	9041,0	25881,1	15046,0

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотлари Тошкент шаҳрида коронавирус касаллигига чалинган беморлар сони жуда кўп бўлиб, бошқа худудлардаги ушбу кўрсаткичдан кескин фарқ қилиб, Тошкент шаҳридаги коронавирусга чалинган беморлар сони худудлар бўйича энг кам беморлар (590 киши) мавжуд Фарғона вилояти кўрсаткичидан 66,0 баробарга кўп, бундай юқори фарқланиш оқибатида, худудлар бўйича коронавирусга чалинган беморлар кўрсаткичлари орасидаги квадратик тафовут ( $\sigma$ ) 9981,0 га тенг бўлмоқда.

Коронавирус касаллигига чалинган беморлар сонига аҳоли зичлиги, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми ва аҳоли

жон бошига кўрсатилган чакана савдо ҳажми каби омиллар таъсири юқори кўринмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли жон бошига даромад каби омилларнинг натижа деб белгиланган коронавирус касаллигига чалинган беморлар сонига таъсири нисбатан пастроқ.

Корреляция коэффиценти юқори бўлган аҳоли зичлиги (0,95), аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми (0,96) ва аҳоли жон бошига кўрсатилган чакана савдо ҳажми (0,93) омилларига боғлиқ регрессия тенгламаси ишлаб чиқиб, эластиклик коэффицентини ҳисобладик (2-жадвал).



Коронавирус касаллигига чалинган беморлар сонига юқори боғлиқликдаги омиллар асосида тузилган бир омилли тўғри чизикли регрессия тенгламалари ва эластиклик коэффицентлари


Омиллар	R	Регрессия тенгламалари	R <sup>2</sup>	Фишер (F) меъзони	Эластиклик коэффиенти
Аҳоли зичлиги, 01.01.2020 йил ҳолатида, киши/кв.км	0,95	$y_{x1}=1156,9+4,4x_1$	0,89	103,8	0,76
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, 2019 йил январь-декабрь ҳолатида, минг сўм	0,96	$y_{x2}=-3569,4+1,6x_2$	0,93	153,3	1,75
Аҳоли жон бошига кўрсатилган чакана савдо ҳажми, минг сўм	0,93	$y_{x3}=-10947,4+3,1x_3$	0,87	80,2	3,30

Манба: 1-жадвал маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан Microsoft Excel дастурида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, омиллар бўйича тузилган юқори аниқлик ва аҳамиятга эга бўлиб, омил ва натижа боғлиқлигини ифодаловчи корреляция коэффиенти 0,93-0,96 оралиқда, детерминация коэффиенти 0,87-0,93 катталиқда, Фишер меъзони жадвал кўрсаткичларидан юқори қийматликда бўлмоқда. Регрессия тенгламалари асосида 1 нафар бемор кўпайишига ҳудудлар бўйича аҳоли зичли-

ги 1 кв.кмга қўшимча 0,76 бирликка, жон бошига хизматлар ҳажмининг қўшимча 1,75 минг сўмга, жон бошига қўшимча 3,30 минг сўм чакана савдо миқдори ошиши сабаб бўлади.

Ўзбекистон कोरोनाвирус пандемияси таъсирида хизматларнинг баъзи турлари, айниқса, туризм соҳасида салбий ўзгаришлар вужудга келди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони ва хорижий сайёҳлар сони ўзгаришининг тренд чизиғи

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, таҳлил қилинган муддатда ташриф буюрган туристлар сони ошиб борган, айниқса, сўнгги уч-тўрт йилда бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати жуда юқори бўлган. Ташриф буюрган туристлар сони ўзгариш тенденцияси тадқиқ қилинган даврда парабола кўринишини олиши келгуси

даврлар учун прогноз маълумотлари юқори миқдорларда бўлишини англатади.

2005-2019 йиллар оралиғида мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сонининг вақтга боғлиқ ўзгариш тенденцияси детерминация коэффиенти ( $R^2$ ) 0,9683 га тенг бўлган ҳолда, қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$T_t = -470,85 + 897,35t - 164,8t^2 + 9,1173t^3 \quad (2);$$

Бу ерда:  $T_t$ -модел асосида ҳисобланган туристлар миқдори, минг киши.

$t$ -вақт бирлиги, бир йил бир бирликка тенг деб олинган.

Бундай ҳолат расмда тасвирланган ташриф буюрган туристлар сони ўзгаришини ифодаловчи модел ва ушбу модел асосидаги 2020 прогноз йўналишини ўзида акс эттирган тренд эгри чизиғида ўз ифодасини топган. 2-формула кўрсатилган модел асосидаги прогноз маълумотлари 2020 йилда мамлакатимизга ташриф буюриши мумкин бўлган хорижий сайёҳлар сонининг 8 млн киши бўлиши мумкин эди.

Модел асосида ҳисобланган 2020 йилда мамлакатимизга ташриф буюриши кутиладиган туристлар сони коронавирус пандемияси таъсирида кескин камайиб, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида атиги 1,4 млн кишини ташкил қилди ва бу миқдор прогноз маълумотидан 6,0-6,5 млн кишига камдир. Пандемия даврининг давом этиши жорий йил бўйича жами ташриф буюриши мумкин бўлган туристлар сони 2,0 млн атрофида ва прогноз маълумотидан 6,0 млн кишига кам бўлиши мумкин.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1,4 млн кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 72,6 фоизга камайган. Ушбу давр мобайнида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон фуқаролари сони эса 1,6 млн кишини ташкил этди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткич 73,5 %га камайган).

Ўзбекистонга келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари қариндошларни йўқлаш (88,5 фоиз) сайёҳлик (8,6 фоиз), даволаниш (1,0 фоиз), хизмат юзасидан (0,9 фоиз), тижорат (0,7 фоиз), ўқиш (0,3 фоиз) бўлиб ҳисобланади. Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида туристларнинг аксарият қисми 31-55 ёшдагилар ҳамда 19-30 ёшдаги туристлар бўлиб, 18 ёшгача бўлганлар ҳамда 56 ёшдан катталар кам улушни ташкил қилишади.

**Хулоса.** Коронавирус эпидемиясини ўрганиш, унинг даражасини таҳлил қилиш 2020 йилнинг 15 мартдан 30 октябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасида ушбу касаллик билан 66 705 нафар ёки ушбу даврда ҳар куни ўртача 267 киши касалликка чалинган. Ўрганилган давр коронавирусга чалинган бемор-

лар сони ўзгаришининг вақтга оид модели асосидаги прогноз маълумотлари яқин келажакда касалликка чалиниш кўрсаткичи минимум миқдорларга тушиб қолишини кўрсатади. Мамлакатдаги яна бир ижобий жиҳат шундаки, касалланган беморларга эътибор бериш, сифатли тиббий хизматни кўрсатиш, қисқа муддатда даволаш имкониятининг яратилганлиги натижасида, касалланган беморларнинг 96,0 фоизи соғайди.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида коронавирусга чалинган беморлар сони турлича бўлишининг асосий сабаби беморлар сони ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлмиш аҳоли зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳамда аҳоли жон бошига миқдорининг турлича бўлишидир. Беморлар сони ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар асосида ишлаб чиқилган моделлар аҳоли зичлигининг беморлар сонининг 1 нафарга ошиши 1 кв.км.га 0,67 кишига, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматларнинг 1,75 минг сўмга ҳамда аҳоли жон бошига 3,3 минг сўм кўпайиши сабаб бўлмоқда.

2020 йил вужудга келган пандемия Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш ва туризм фаолиятига салбий таъсир қилганлигини инobatга олиб, кейинги даврлар учун пандемия таъсирини юмшатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Қисқа муддат коронавирус билан касалланиш эҳтимоли камроқ бўлган тармоқлар, қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларининг жадал ривожланишига катта эътибор қаратиш керак бўлади.

Келгусида иш ўринларини автоматлаштириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришдаги иш ўринларига роботларни қўллашга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.

Карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, хизмат кўрсатиш тармоқларини аста-секинлик билан жонлантириш, пандемия шароитида ички туризмни ривожлантиришга, аҳолининг мамлакат ҳудудлари бўйича туристик фаолиятни амалга оширишларига катта имконият яратиб бориш зарур.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6002-сонли фармони, <https://lex.uz/docs/4831118>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 19 июндаги "Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4755-сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4862987>
3. Allen L. Webster. Applied Statistics for Business and Economics. USA, Bredley University. 1995. -1047 p.
4. Amaiquema J.R. and Amaiquema L.I. "Forecasting International demand for Ecuador" International Journal of Research, 2017. Vol. 5. (Iss. 8) p. 11-17.
5. Barbara Illowsky, De Anza College Introductory Statistics. Texas. Texas Rice University. 2017. p. 673-704.
6. Chhorn T. and Chaiboonsri Ch. "Modeling and Forecasting Tourist Arrivals to Cambodia: An Application of ARIMA-GARCH Approach" Journal of Management, Economics, and Industrial Organization" 2018. p. 1-19.

7. Chukiat Chaiboonsri, Prasert Chaitip "The Modeling International Tourism Demand for Length of Stay in India: Social Development, Economics Development", *Journal of Knowledge Management, Economics and Information Technology*, Vol. II, Issue 2, April 2012. p. 1-8.
8. Damodar N Gujarati. *Basic Econometrics*. The McGraw - Hill Companies, 2004. -1024 p.
9. Francis X. Diebold. *Econometrics: A Predictive Modeling Approach*. University of Pennsylvania. Edition 2018.-371 p.
10. Kaplan G., Violante G.L. Microeconomic heterogeneity and macroeconomic shocks. *Journal of Economic Perspectives*, 2018. Vol. 32, No. 3, pp. 167-194. <https://doi.org/10.1257/jep.32.3.167>
11. Petrevska Birjana. "Forecasting international tourism demand: The evidence of Macedonia" *UTMS Journal of Economics* 3(1) 2012. p. 45-55.
12. Башмаков И.А. Повышение энергоэффективности и экономический рост. *Вопросы экономики*. 2019; №10. С. 32-63.
13. Елисеева И.И. и др. *Эконометрика. Учебник для вузов*. М. Финансы и экономика, 2003. – 346 стр.
14. Киселева И.А., Трамова А.М. «Моделирование прогнозирования спроса на рынке туристических услуг», *Ж. «Науковедение»*, №6 2013, 1-7 стр.
15. Мау В.А. Национальные цели и модель экономического роста: новое в социально-экономической политике России в 2018—2019 гг. *Вопросы экономики*. 2019. №3. С. 5-28.
16. Мамаева З.М. *Введение в эконометрику. Учебное пособие*, Нижний Новгород.: Нижегородский госуниверситет, 2010. – 72 стр.
17. Морозов М.А., Морозова Н.С. «Моделирование и прогнозирование развития туристских дестинаций» *Научный журнал «Сервис плюс» Том 8 №3 2014 стр. 32-36.*
18. Алимов Р.Х. ва б. *Эконометрика. Ўқув қўлланма*, Т. ТДИУ. 2012. -166 б.
19. Ҳодиев Б. Шодиев Т, Беркинов Б. *Эконометрика. Ўқув қўлланма*, Т.: Иқтисодиёт, 2018. -175 б.
20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги <https://www.minzdrav.uz/uz/>
21. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари Ўзбекистон Республикаси <https://uzbektourism.uz/uz/research>
22. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz)